Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 17 июль жума

Сотувда эркин нархда

№ 142 (1923)

## САМИМИЙ ҲАМДАРДЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом Каримов жаноби олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси бошига тушган кулфат — Фарғона водийсида табиий офат натижасида одамларнинг фожиали ҳалок бўлиши муносабати билан Украина халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Сиз орқали дўст Ўзбекистон халқига самимий ҳамдардлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Оғир жудолик дардини Сиз билан бирга тортмоқдамиз.

Чуқур эҳтиром ила,

**Леонид КУЧМА,**
**Украина Президенти.**

---

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом Каримов жаноби олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган табиий офат муносабати билан самимий ҳамдардлигимизни қабул қилғайсиз. Ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғ ва яқинларига чуқур ҳамдардлик ва таъзиямизни етказишингизни сўрайман.

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

---

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом Каримов жаноби олийларига**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

одамларнинг ҳалок бўлишига ва уйларнинг бузилишига олиб келган Шоҳимардондаги сув тошқини хабари биз, тожикистонликларни беҳад қайғуга солди.

Ушбу фожиали воқеа муносабати билан Сизга ва табиий офат натижасида ҳалок бўлганлар ва жабрланганларнинг оилаларига чуқур ҳамдардлик билдиришга ижозат бергайсиз.

**Имомали РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Президенти.**

## ЮКСАК ТАШКИЛОТЧИЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова йиғилишни бошқарди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятларининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти натижалари, шунингдек, мазкур котибиятларнинг Вазирлар Маҳкамасининг "Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида"ги қарорини бажариш юзасидан жойлардаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда бажарган ишлари ҳақидаги масалалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларда оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирлар дастурини ва белгиланган йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар бажарилди.

Айни вақтда оила манфаатларини таъминлаш борасидаги тадбирлар дастурини ҳаётга татбиқ этишга ҳамма жойда ҳам етарли эътибор берилмаётир. Оналар ва болаларни соғломлаштириш, хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни яхшилаш, эҳтиёжманд, кўп болали оилаларни моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш борасида ҳали кўп иш қилиниши лозим. Бу эса мутасадди раҳбарлардан юксак ташкилотчилик ва ташаббускорликни талаб этади.

**ЎзА**



ФОТО репортаж



*Бозор иқтисодиёти ва эркин ишбилармонлик чинакам мўъжизалар яратиши мумкин. «Элликқалъа текстиль комплекс» акционерлик жамиятида бўлган киши бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Бу ерда нималар тайёрланмайди дейсиз? Ҳар хил кўринишдаги бежирим костюмлар, кўзни қамаштирувчи матолар, болаларга мўлжалланган чиройли кийим-кечаклар кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Корхона ўтган йилнинг ўзида 42 миллион сўм соф фойда кўрган эди, ишчиларнинг яшаши ҳам шунга яраша бўлмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: оператор Илёс Торешев; тикув цехида; назоратчи Шодулла Сабуров маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.**

**А. МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## ЁРДАМ ВАҚТИДА ЕТИБ КЕЛДИ

***Маълумки, Шоҳимардонда юз берган табиий офат натижасида аҳоли жабрланди, одамлар бошпанасидан, мулкидан маҳрум бўлди.***

Фалокат юз берган жойга Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ходимлари ва кўнгиллилари биринчилар қатори етиб келишди. Айни пайтда шошилинч ёрдам юки ортилган автотранспорт карвони мунтазам қатнаб турибди. Бу юк орасида чодирлар, кийим-кечак, ошхона буюмлари, дори-дармонлар ва бошқа зарур буюмлар бор, уларнинг қиймати уч миллион сўмдан ҳам кўпроқ. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти табиий офатдан жабрланган кишиларга ҳозирнинг ўзидаёқ деярли бир миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам берди.

Фарғона Қизил Ярим Ой жамияти ходимлари табиий офат юз берган дастлабки соатларданоқ жабрланган аҳолига ёрдам беришга фаол киришди ва муҳтож оилаларга шошилинч озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатишни ташкил этиш ва тақсимлаш ишларини ўз зиммаларига олишди. Улар ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғларига маънавий мадад беришмоқда. Жамият санитария дружиналарининг аъзолари жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишди, қидириш ва тиклаш ишларида иштирок этишди.

Ҳозирги вақтда фалокат юз берган жойда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти фавқулодда вазиятлар хизмати ходимлари, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро Федерациясининг Марказий Осиё бўйича минтақа делегацияси вакиллари ишламоқда.

Зарар кўрган аҳолига шошилинч ёрдам кўрсатиш ишлари давом этмоқда.

**(ЎзА)**

## ВИЛОЯТЛАРДА

### СИРДАРЁ

вилояти фаолларининг жорий йил биринчи ярми якунлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда вилоятда иқтисодиётнинг деярли барча жабҳаларида сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, қурилиш ҳажми ортди, қишлоқ инфратузилмаси бирмунча ривожланди. Маданий-маиший ва тиббий хизмат тармоқлари кенгайди. Шу билан бирга, саноатда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Корхоналарнинг 20 фоизи ярим йилликни зарар билан якунлади. Чет эл сармояларини жалб этиш, янги технологияларни жорий қилишда сусткашликка йўл қўйиляпти.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ў.Исмоилов сўзга чиқди.

### ФАРҒОНА

вилояти кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Сессияда Оила йилида вилоятда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг бориши ҳамда оила, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокими Н.Мўминов маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, жумладан, оила манфаатларини таъминлаш, оилалар тотувлиги ва фаровонлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам кўрсатиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилганини қайд этдилар.

Айни вақтда якка тартибда уй-жой қурилишини моддий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор берилмаётир, бу борадаги ҳукумат имтиёзларидан самарали фойдаланилмаяпти. Шунингдек, маданий-маърифий ишларни ҳам талаб даражасида, деб бўлмайди. Кутубхоналар китоб фондини яхшилаш, уларни замон руҳидаги китоблар билан бойитиш бўйича ҳали кўп иш қилиниши лозим.

**ЎзА мухбирлари.**

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 7 ЙИЛЛИГИГА

# ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛИШНИ БИР ЙИЛ ОРЗУ ҚИЛДИМ!

**-дейди америкалик Паула Дорнхельм Рейчэл хоним**

* *Мустақиллик — бу чексиз имкониятлардир*
* *Байрамларнинг энг улуғи...*
* *Ҳар биримизнинг туғилган кунимиздек мўътабар*
* *Ватан биз учун табаррук бешикдир*
* *Юртимиз имкониятларини юзага чиқаришга хизмат қилишимиз керак.*

*Нукусда «Прогресс» тил ўрганиш маркази мавжуд. Ўрта мактабларнинг бешинчидан юқори синфларида билим олаётган ўқувчилари тест асосида имтиҳон топшириб, бу марказга кириши, сўнг мактабдан бўш вақтларида ҳафтада тўрт кун шу ерда таълим олиши мумкин.*

*Марказнинг тўрт йиллик ўқув жараёнида улар фақат инглиз, немис тилларини ўрганибгина қолмай, ташқи иқтисодий алоқалар, тижорат таржимачилиги юзасидан ҳам таҳсил олишади.*

*Марказ қошида Бизнес мактаби ҳам фаолият кўрсатаётир.*

*Яқинда америкадан келган Паула Дорнхельм Рейчэл хоним (Нью-Йорк университети) марказ ўқувчиларига таълим беришга киришишдан аввал улар билан суҳбатлашди. Инглиз тилида бўлиб ўтган бу суҳбат сиз — азиз газетхонларни ҳам лоқайд қолдирмайди, деган умидда унинг ўзбекча матнини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.*

**Паула Дорнхельм РЕЙЧЭЛ: — Тошкентга келгач, бир икки кун шаҳарни айландим. Бу шаҳар одамни ўзига маҳлиё этади. Айниқса, Ўзбекистон тарих музейи менга жуда ёқди. Шу ерда қорақалпоқ мусаввирларининг асарлари билан танишиб қолдим ва сизнинг юртингиз тарихига қизиқишим ошди. Айтишларича, бу ерларнинг тарихи жуда қадим экан...**

**Ойпара АСЕНОВА:** — Қорақалпоқ замини бой тарихга эга. Қачондир мана шу ерлардан Буюк Ипак йўли ўтган, саҳро бағрида карвонлар изи муҳрланиб қолган, Бердақ, Ажниёз каби оқинлар чалган дўмбира садоси юракларни ларзага солган...



Қорақалпоғистонда беҳисоб саноат корхоналари, Элтекс, Катекс каби йирик тўқимачилик мажмуалари мавжуд. Қўнғиротда эса йирик сода заводи барпо этилмоқда...

**РЕЙЧЭЛ: — Сизлар «Бугун Нукуснинг марказидамиз, эртага дунёнинг диққат марказида бўламиз» деган шиор остида ҳаракат қилар экансизлар. Бундан кўзда тутилган мақсад нима?**

(Давоми 4-бетда).

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

Жиззахдаги пластмасса заводи яқин йиллар ичида мамлакатимиздаги йирик полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш корхонасига айланади. Шу мақсадда, айниқса, кейинги икки йилда бу ерда улкан ишлар амалга оширилди. Натижада ишлаб чиқариш қувватлари бир неча бор ортди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бир тонна полимер ишлаб чиқариш олти-ўн тонна юқори сифатли пўлат, беш тонна рангли металл, бир ярим-икки тонна алюминийни иқтисод қилиш имкониятини юзага келтирди.

Шунингдек, янги усулда чигит экишга ўтилиши муносабати билан полиэтилен плёнкасига бўлган талаб жуда ошиб кетди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, корхона ушбу ноёб маҳсулотни ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор бераяпти.

### ЖИЗЗАХ ПЛЁНКАСИ

Авваллари жиззахликлар плёнкани Андижондан олишган бўлса, эндиликда андижонликлар уни Жиззахдан келтиришаяпти. Ўтган беш ой мобайнида 1 млрд. сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Иш уч сменада ташкил этилган. Тиббий маскан, савдо растаси, маиший хизмат шохобчаси, маънавият уйи, боғча, сауна, ошхона ва чойхона улар хизматида. Бу цехда йигирма иккита линия ишга туширилиши туфайли 175 ишчи ўрни ҳозирланди. Айни пайтда завод деҳқонлардан бир ва қўш қаторли чигит экишга мўлжалланган, эни тўрт юз-олти юз миллиметр, қалинлиги саккиз микрон бўлган сифатли плёнкаларга катта миқдорда буюртма олди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехи уй-рўзғор буюмлари кўргазмасини эслатади. Дастурхонларда турли ранг ва кўринишда бўлган замонавий дизайндаги эллик хил пластмасса буюми тайёрланяпти. Маҳаллий рассомлар ва безакчилар табиатдан андоза олиб, донсават, қандолатдон, гултувак, пиёлалар нусхаларини мевали дарахт кўринишларидан кўчирганлар. Олма шаклидаги мурчдон, ёғоч ўймакорлиги усулида ишланган «Мойчечак» аталмиш гулдонлар хонадон безаги бўлиши шубҳасиз.

Энг кенжа ва ихчамгина чинни цехи ҳозирданоқ Ангрен, Қувасойдаги корхоналар билан ҳамкорликда ишлашга ўтди. Улардан олинаётган хомашё — кварц қуми ва коалин тупроғи қоришмасига зеб бериб ишланган Жиззах чиннисии аллақачон ўз харидорини топган.

Бош муҳандис Абдували Соатов, сифат бўлими бошлиғи Фотима Холмирзаева, плёнка цехи бошлиғининг ўринбосари Лутфия Ҳусановалар билан мулоқотдан сўнг заводнинг иқтисодий порлоқ эканини англадик. Корхона айни пайтда Хитой, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатлар билан узвий алоқа боғлаб фаолият юритмоқда.

**Ҳ, НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## "ҒАЛЛА-98"

Жиззах вилояти Арнасой тумани ғаллакорлари маррага етди. Қабул пунктларига 23 минг 800 тоннадан зиёд дон етказиб берилди. Арнасойликлар ялпи хирмонни 25 минг тоннага етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ислоҳот одимлари

# БУНЁДКОРЛИК НАШИДАСИ

***Бугун юртимизнинг қайси жойида бўлманг, мустақиллигимизнинг етти йиллиги байрамига қизғин тайёргарликнинг гувоҳи бўласиз. Зеро, ана шу истиқлол туфайлигина халқимиз учун улкан бунёдкорлик ишларига катта йўл очилди.***

Мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бири — Олмалиқ шаҳри қиёфаси ҳам кейинги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Кенг ва равон йўллар, миллий услубда қурилган бинолар, маданий-маиший объектлар, савдо расталари кўзни қувонтиради.

Шаҳардаги автобус бекатларини олинг. Илгарилари уч-тўртта бетон устунга шифер қоқилиб номигагина бекат қуриб қўйиларди. Ҳозир эса... Мана, шаҳарга кираверишдаги бекатлардан бири. У ўзига хос тарзда, пишиқ ғиштдан тикланган. Йўловчилар учун барча қулайликлар муҳайё. Ўриндиқлар эллик-олтмиш чоқли одамга етади. Муҳими, қишда қор-ёмғирда, ёзда офтобда қолмайсиз. Йўловчи бекатдаги тижорат дўконидан газета олиб варақлаши, бирон-бир яхна ичимлик ичиб, чанқоғини қондириши, овқатланиши мумкин. Сабаби — бекатнинг ўз эгаси бор. Уни шаҳар маъмурлари тадбиркор Исомиддин Мирзаевга уч йил илгари хусусийлаштириб берган.

Сал нарида манзарали пишиқ ғиштдан қурилган яна бир чиройли бино бор. У тадбиркор Абдураззоқ Ҳакимбердиевнинг "Феруз" фирмасига қарашли. Илгарилари бу ер ҳам ташландиқ жой эди. Хусусий тадбиркорликка эрк ва имконият берилди-ю, яхшигина тамаддихона ва дўкон қад кўтарди, файзли масканга айланди.

Кўчанинг нариги бетида яқинда қуриб ишга туширилган автостанция салобат билан қад кўтариб турибди.

— Бозорларимизга файз кирганини айтмайсизми, — дейди шаҳар ҳокимининг ўринбосари Отахон Маҳмудов. — Кейинги икки йил ичида марказий бозорни бутунлай қайта қурдик. "Ойдин" даҳасида эса янгисини бунёд этдик.

Дарҳақиқат, автостанциянинг икки томонидан жой олган, миллий услубда қурилган бозор киши эътиборини ўзига тортади. Уларнинг бирида деҳқончилик маҳсулотлари билан савдо қилинса, яна бири — тижоратчилар ихтиёрида. Харидору сотувчилар учун барча қулайликлар мавжуд. Бозор қурилмасдан аввал деҳқонлар кўчанинг нариги четидаги калталақдай жойда, офтоб тиғида куйиб, маҳсулот сотарди. Бироқ илгари ҳеч ким мазкур даҳада бозор қуриш, олувчи ва сотувчиларга шароит яратиб беришни хаёлига келтирмасди.

Диққатга сазовор томони шундаки, шаҳардаги бунёдкорлик ишларида мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Айни пайтда бу ерда тўрт юздан зиёд киши тадбиркорлик, бир ярим мингдан зиёд киши эса якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Ана шуларнинг меҳнати билан кўплаб кичик ва хусусий корхона, дўкон ва ошхоналар қад ростлади. Шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салмоғи ва савияси тобора юксалмоқда.

Шаҳар саноатини ривожлантиришда хорижий сармоялардан унумли фойдаланилмоқда. Бунда "Албо" Ўзбекистон—Болгария, "Турон" Ўзбекистон—Америка, "ЎзДЭУтелеком" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхоналарининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этаяпти. Айни пайтда автомобилларни таъмирлаш устахонаси жамоаси чехиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Бу ерда яқин ойлар ичида "Татра" русумли юк машинаси йиғила бошлайди, маҳаллий ёшлардан бир гуруҳи доимий иш билан таминланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шаҳардаги бунёдкорлик ишларининг салмоқли қисми хусусий тадбиркорларнинг шахсий маблағи ҳамда хорижий сармоялар ҳисобига амалга оширилаётир. Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда маҳаллий бюджет маблағларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бу маблағлар асосан газ ва сув қувурларини янгилашга сарфланмоқда. Шунингдек, ободончилик ишларини олиб боришда қўл келяпти. Айни пайтда аҳоли қиш мавсумида анча қийналиб келаётган 7-даҳада қозонхона, янги насос станцияси қурилаётгани, шаҳардаги боғ ва хиёбонларга анча файз кириб қолгани бунга мисол бўла олади. Умуман, Мустақиллик байрамигача қуриб, ишга тушириладиган иншоотлар талайгина. Марказий хиёбонда ўзига хос сайилгоҳ, болалар кафеси, теннис корти, Кимёгарлар шаҳарчасида стадион ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши жадал бормоқда. Истиқлол берган буюк неъмат — бунёдкорлик нашидаси олмаликликларнинг эртанги кунига умид ва ишонч уйғотиб, ҳаётига файз киритмоқда.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Сафоев Канада генерал -губернатори Р.Ле Бланкга (ўриндошлик асосида) Ўзбекистон Республикасининг Канададаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси ишонч ёрлиғини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида генерал - губернатор республикада олиб борилаётган сиёсий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини билдириб, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашдаги роли ва унинг халқаро ташкилотлар тизимидаги фаол иштирокини таъкидлаб ўтди. Давлатлараро мулоқотнинг йўлга қўйилишига қизиқиш билдирилди ва Ўзбекистон—Канада ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**

## ОСИЁ БАНКИ ГРАНТИ

### БУ ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНДИР

1998 йил 10 июлда Манило шаҳрида (Филиппин) Осиё Ривожланиш банки президенти жаноб Сато Ўзбекистон банклари ассоциацияси таркибига кирувчи тижорат банкларининг тараққиёти учун 1 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ-грант ажратиш ҳақидаги расмий ҳужжатни имзолади. Ушбу маблағнинг 400 миллион АҚШ доллари Банк-молия академиясига, 600 минг АҚШ доллари Минтақавий банк ўқув марказига тегишли бўлиб, улар мазкур моддий ёрдамнинг ижрочилари сифатида фаолият кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикасига Осиё Ривожланиш банки томонидан ёрдам кўрсатиш дастури Банк-молия академиясида махсус йўналишлар бўйича ўқитиш ва етакчи хорижий тижорат банкларида ҳамда ўқув марказларида тажриба орттириш шаклида, Минтақавий банк ўқув марказида эса республика тижорат банклари ходимлари учун қисқа муддатли махсус курслар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Бу каби таълимий дастурларни ҳаётга татбиқ этишдан мақсад, тижорат банклари ходимларида зарур билим ва малакалар ҳосил қилиш ва замонавий халқаро молия тизимларида ишлай олиш кўникмаларини юзага келтиришдир. Пировардида ана шу тадбирлар Ўзбекистонда тижорат банкларининг самарали ва мустаҳкам тизимини яратиш ишига муайян ҳисса қўшади.

**Ўз мухбиримиз.**

